

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Самин Рахимов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

Аслиддин Рузиев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада охириги йилларда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганлигини фактлар билан асослаб берилган. Шунингдек, маънавият – халқнинг ўзлик тимсоли эканлиги ифодаланган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, маънавият, мафкура, мафкуравий иммунитет, ёшлар, китобхонлик, мактаб, олий таълим муасасаси, таълим-тарбия.

IMPROVEMENT OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL AFFAIRS IN RENEWING UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article is based on the fact that in recent years, reforms have been carried out to improve the spiritual and educational work, as well as special attention is paid to the education of the younger generation. It is also stated that spirituality is a symbol of the identity of the people.

Keywords: New Uzbekistan, spirituality, ideology, ideological immunity, youth, reading, school, higher education institution, education.

КИРИШ

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши бу соҳанинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун шароитларни яратиш борасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори маънавий-маърифий соҳада янгича туб бурилиш ясади десак муболоға бўлмайди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 26 март куни “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Қарорининг қабул қилиниши ҳам маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш имкониятини бермоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг асарларида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш учун беш муҳим ташаббус илгари сурилган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавиятдаги трансформациялари, Ҳаракатлар стратегиясига оид ислохотларда маънавий-маърифий муаммоларни мамлакатимиз олимларидан М.Абдуллаева, А.Бегматов, Г.Маҳмудова, С.Отамуродов, Б.Тўйчиев, И.Эргашев, Г.Туленова, М.Қаҳҳарова, И.Саифназаров, Ф.Юлдашева, Г.Ғаффарова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда. Жумладан, М.Абдуллаева ёшларни маънавиятини ривожлантиришда мулоқотнинг аҳамияти, Г.Ғаффарова ахборотлашган жамиятда маънавиятдаги ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда маънавиятнинг ўрни[9-12] каби масалалар ёритиб берилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳукуқий давлат, фуқаролик жамиятини

барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш интернет-ахборот коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш дунёда юз бераётган мураккаб геосийсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур бериш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик сепаратизм, одам савдоси, оммавий маданият, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши ғоявий кураш олиб бориш жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ахлоқий кадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, миллий ғояни вилоятларимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғибот этиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Хусусан, ҳозирги глобаллашув жараёнларида ёшларни шахс онгини эгаллашга қаратилган хуружлардан ҳимоялаш ҳар бир шахснинг рухий оламида мустаҳкам маънавиятни шакллантириш, дистрибутив (бузғунчи) гуруҳлар таъсиридан асраш, ҳар бир фуқарода ёшларимиз миллий-маънавий кадриятларимизга таянган ҳолда мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш тобора муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сонли фармойиши маънавий тарбия соҳасида давр талабларига мос ўзгаришларни рўёбга чиқаришда залворли қадам бўлди. Албатта, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб муомаласи ва китобхонлик маданиятини ошириш чора-тадбирларига доимий эътибор қаратилиб, ноширлик фаолиятини изчил такомиллаштириш мақсадида тегишли ҳуқуқий базаҳозирги кунда 1677 та матбаа корхонаси, 118 та нашриёт давлат рўйхатига олинган бўлиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та вилоят ахборот-кутубхона ҳамда туман-шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот ресурс марказлари иш олиб бораётгани китоб савдоси хизматини кўрсатишда замонавий ёндашувларни амалиётга татбиқ қилинаётган соҳа ривожидан далолат беради.

Албатта, тарихий меросимизнинг бир қанча турлари мавжудки улар орасида музейлар, тарихий ёдгорликларнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Ҳозир Ўзбекистонда биргина Маданият вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 17 та бадиий, 14 та меъморал, 5 та адабий мемориал, 1 та табиий-илмий музейлардир[7, 6]. Бу борада “Ўзбекмузей” жамғармаси ташкил этилган.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий “Музейдан садо” халқаро журнали таъсис этилган. Демак, бундай масканларга ташриф буюриш ёшларда миллий ғурур ва ифтихор, бой маданий меросимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан баркамолни вояга етказиш мамлакатимиз стратегик тараққиётини таъминлаш учун бугунги кунда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим ва олий таълим соҳаларини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс маънавияти тарбияси ва таълим устуворлиги белгиланди. Бу омил давлатимизнинг ички сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълим ва тарбиянинг янгича стратегик модели яратилди. Шу боис, ҳозирги жадал ўзгаришлар ва янгиланишлар шароитида ёшлар дунёқараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар рўй бермоқда.

Таълим тарбия сифати ва маънавий ишлар самарадорлигини оширишда биринчи навбатда ёшларга маънавий, ғоявий, билим ва тарбия бериш ҳамда уларга жамият манфаатларига зид зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш орқали Ўзбекистонни буюк келажакка эришиш ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси тўрт йил давомида икки баробар ортиб 60% га етди. Боғчалар сони эса уч баробарга кўрайиб, ўн тўрт мингдан ошди. Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан икки ярим баробарга ўсди ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди[4].

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб аталиши мактабгача таълим қамровини 65 %га, 2023 йил охирида эса 75%га етказиши керак. Бу ишларда бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия берилиши ҳисобидан қўшимча равишда икки мингта нодавлат боғчалар ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25%га етказилади. Олий таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони камида 25%га оширилади. Олий ўқув

юртларига қабул қилишда еҳтиёжманд оилалар қизлари учун гранд сонини икки баробарга кўпайтириб, икки мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Шу муносабат билан келгуси йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади[4].

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Республика Маънавия ва маърифат кенгаши раиси Президент эканлиги белгилаб қўйилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” [5], - дейди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда - Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият.

– Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва кадриятларига асосланган, – деди давлатимиз раҳбари.

Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди.

Марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилади. Унинг фаолияти илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил қилинади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, охириги уч йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойилига асосланади. Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айникса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган. Шу сабабли мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш зарур.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т. “Ўзбекистон”. 2016.
2. Ш.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураамиз. –Т. “Ўзбекистон”. 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
4. Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т. “Ўзбекистон”. 2020.
5. Ш.Мирзиёев Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // Халқ сўзи 2021 йил 20 январ.

6. О.Салимов, Қ.Қуронбоев ва б. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. –Т. “Ёшлар нашриёт уйи”. 2019.
7. А.Маврулов Ёшларда соғлом дунёқараш, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, уларда ғоявий ва ахборий хуружларга қарши мавқуравий иммунитетни кучайтириш йўллари. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш (Республика амалий конференцияси материаллари) –Тошкент. ТМИ 2019 йил 19 май. 6-бет.
8. Н.Обломуродов Халқимиз меросини ва урф-одатларини, миллатлараро муҳитни мустаҳкамлаш масалалари. –Тошкент. 2019.
9. G.G. Gaffarova, (2020). Strategy of activity and systematical approach. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. London, United Kingdom, 24, Issue-5, May. - 6645-6651.
10. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science, 90(10), 448-452.
11. Г. Фаффарова, А. Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
12. G. Makhmudova, G. G'afarova, G. Jalalova (2020). O'zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
13. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
14. Хожиев, Р. Б., & Норбоева, Д. О. (2021). Ёшлар ижтимоий ҳаётининг когнитив асослари. Academic Research in Educational Sciences, 2(2), 544-555.
15. Hojiyev R.B., Xolmo`minov G.B., Sharipov M.L. (2020) Raising a Harmoniously Developed Generation is a Priority of Democratic Reforms in Uzbekistan // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, №8(5). 1-3.